



Маъсумасултон Бегим - I. Бобурнинг хотини, Султон Ахмад Мирзонинг кичик кизи (1509 й. в.э.) Шайбонийхон истилосидан сўнг онаси Хабибабегим билан Хуросонга борган. Бобур Хиротга борганда, аммаси Поянда Султон Бегимнинг уйида уни учратиб ёктириб колган ва Кобулга боришга кўндирган ("Б.", 20а). Бобур Кобулга кайтганда, она-бола унинг оркасидан етиб келган.

Бобур уларни Газнида кутиб олган. У Кандахорга юриш килмокчи бўлиб тургани сабабли тўй кейинрокка сурилган. Бобур юришдан Кобулга кайтиши билан Маъсумасултон Бегимга уйланган (1508 й.). Бир йилдан сўнг биринчи фарзандини тугиш чогида кўп кон йўқотиш окибатида оламдан ўтган (1509 й.). Бобур кизига онасининг исмини кўйган.

II. Бобурнинг кизи, онасининг исми ҳам Маъсумасултон Бегим: “Яна кизим Маъсуманинг ва ўғлум Хиндолнинг навкарларига тугмалик чакманлар ва хилъатлар инъом бўлди” (“Б.”, 206). Хиндистонлик тарихчилар томонидан Мусаммат Кобулий Бегим деб тилга олинади. Бобур Пани-пат жангидан сўнг қурдирган бог бу кизининг шарафига “Кобулий бог” деб аталган. Маъсума султон Бегим Мухаммад Замон Мирзога турмушга чиққан.

"Бобур Энциклопедияси" китобидан